

## ҚОРОВУЛБОЗОР ВОҲАСИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

*Мирзоева И.Э*

*БухДу, Экология ва география кафедраси катта ўқитувчиси*

*Собирова Д*

*География таълим йўналиши IV-курс талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Қоровулбозор воҳасида суғорма ерларнинг шўрланиши, ботқоқланиш, бегона ўтларнинг тарқалиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби экологик муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** воҳа, ресурс, ботқоқланиш, шўрланиш, экотизим, эол, иқлим, чўл, рельеф, фильтрацияланиш, грунт, атмосфера ёғинлари.

Воҳалар асосан суғориладиган ерлар бўлиб, у ерларда турли хил маданий экинлар экилади. Воҳалар инсон меҳнати туфайли юзага келган майдонлардир. Ўзбекистондаги воҳалар кўпинча суғориладиган маданий ерлар деб ҳам аталади. Шундай воҳалардан бири Қоровулбозорда суғориш каналлари очилиб илгари қақраб ётган чўлларда сув келтирилган. Воҳадаги иқлим чўллардагига қараганда юмшоқроқ бўлади.

Қоровулбозор воҳасида кўпроқ маданий экинлар, полиз ва сабзавот экинлари экилади. Деҳқончилик қилиниб келинаётган воҳалар ҳолатини яхшилаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Қайд қилиш лозимки, атроф муҳитни ифлосланишидан кўра экотизимларни нобуд бўлиши мудҳиш экологик оқибатларга олиб келади. Ўзбекистон Республикаси айниқса, сув ресурслари тақчил бўлган Бухоро вилояти шароитида янги ерларни ўзлаштиришдан кўра, суғорма деҳқончилик ҳисобига киритилган ерлардан фойдаланиш самардорлигини ошириш энг долзарб муаммодир. Бундай тадбир ҳудуддаги мавжуд ўсимлик, ҳайвонот дунёси захиралари ҳамда табиий геотизимларни асраб олиш, пировард натижада эса экологик барқарорликни таъмишлаш имкониятини оширади. (Назаров И.К., Аллаёров И. 1998, 87, 88б.)

Дўстлик каналининг чап томонида бўғдойзорлар, ҳайдаладиган ерлардан иборат, мана шу ўзлаштирилган ерларида катта–катта лойқалар чиқариб ташланган. Канал атрофидаги ерларда грунт сувлари сатҳи 2 метр ҳисобида. Саксовулзорлар ичида каналнинг чап томонларига ҳам худди шундай ахлатларни ташланган, бу албатта экологик жиҳатдан чўл зонасидаги генафондни йўқолишига олиб келади.

Қоровулбозор туманидаги Дўстлик канали ёққаси бўйлаб Четвёрг деган жойдан ўнг томонда 23 км га қайтгандан сўнг канал ёққалаб кетаверишда бўғдой,

пахта пояси аралаш ўсиб ётганини гувоҳи бўлдик. Бу ўтлоқзорлар 4 кмгача бўйи ўстирилиб кир қилиниб, чорва моллар учун озука ҳисобланади шу билан бир қаторда бу ўтлоқлар ботқоқ бўлиб ётибди, сизот сувлари кўтарилган, ботқоқ шўрхоқлардан иборат.

Канал атрофидаги ерларга грунт сувлар сатҳи 2 метр ҳисобида. Туман рельефининг аксарият жойларида атмосфера ёғинлари қиш ва баҳор ойларида юза оқимлар ҳосил қилади. Ана шундай жойларни нам–сув йиғувчи жўяклар усули билан фитомелиорация қилиш мақсадга мувофиқ. Айниқса ялангланган, шамолрўй майдонлар айниқса газ-нефть қидирув ва қазиб олиш билан боғлиқ районларда ҳосил бўлган техноген ландшафтлар бундай тадбирларга муҳтож. Яйлов кудрати паст бўлган мазкур ландшафтларни фитомелиорация йўли билан бойитиш йўллари Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника институти олимлари томонидан амалда исботланган. (Теоретич осн. и метод фитомелиорации... Т.1973 ).

Суғорма ерлардан фойдаланиш самарадорлиги талаб даражасида эмас. Жумладан, тупроқ ҳосилдорлигини оширмасдан, унга тирик мавжудод сифатида талаб қилинадиган барча зарур тадбирларни амалга оширмасдан, яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Бироқ кейинги 10-15 йил мобайнида ерларнинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайди. Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ва шўрланган майдонларнинг кўпайиши ҳоллари вужудга келди. Бундай майдонлар суғориладиган ер фондининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Тупроқ ботқоқланиши тупроқни ер усти ёки грунт сувлари билан ортиқча намланиши натижасида пайдо бўладиган жараён. Бунда тупроқда анаэроб шароит вужудга келади, глейланиш белгилари рўй беради, ярим чириган ўсимлик қолдиқлари йиғилиб боради, сув-ҳаво режими ўзгаради. Асосан, атмосфера ёғинлари буғланишдан устун бўлган зоналарда тарқалган. Арид зонада ботқоқланиш соф ҳолда кам учрайди: аксарият тупроқ шўрланиши билан бирга юз беради, натижада экинлар яхши ривожланмайди ва нобуд бўлади. Ботқоқланиш табиий ва сунъий сабабларга кўра юз беради. Ерларни ботқоқдан сақлаш мақсадида коллектор – дренаж тармоғи курилади.

Яйловларнинг камайиши ва улардан фойдаланмаслик черкез, қандим, саксовул ва бошқа ўсимликларни қириш, яйловлардан маълум фаслларда мол боқмасдан йил давомида бетўхтов фойдаланиш оқибатида моллар кўп истеъмол қиладиган фойдали ўтлар камайиб, улар ўрнини чорвачилик учун фойдасиз ўсимликлар эгалламоқда.

Туманда Ноғоратепа деб аталмиш саксовулзорлар ичида турли хил чиқиндиларни келтириб ташланган.

Ҳозирги кунда туман ҳудудида Бухоро вилоятида ягона бўлган иккита сардоба сақланиб қолган. Ҳар биримиз хоҳ машинада, хоҳ яёв бўлсин шаҳар

марказига яқин жойлашган сардоба ёнидан ўтамыз. Обида атрофида кўй боқиб юрган ёки унинг тепасида юрган болаларга кўзимиз тушгандир балки. Яхшилаб разм солсангиз бу нодир обида нураб бормоқда. Об-ҳаво ҳамда ер ости сизот сувларининг кўтарилиши унинг умрига зомин бўлаяпти. Эндиликда сардоба атрофи бир мунча текисланди, сизот сувларни камайтириш мақсадида зовур қазилди. Ҳозирги кунда туман ҳудудида Бухоро вилоятида ягона бўлган иккита сардоба сақланиб қолган.

Эндиликда сардоба атрофи бир мунча текисланди, сизот сувларни камайтириш мақсадида зовур қазилди.

Сардобалар саҳролар, даштлардан ўтадиган йўллар ёқаларида неча асрлардан буён халқимизнинг узок ўтмишдан, маданиятидан, турмушидан далолат берувчи тилсиз гувоҳлардир.

Сардоба сўзи форс тилидан олинган бўлиб, «Сард» (совуқ) ва «об» (сув) сўзларидан ясалган. Бу номнинг ўзиёқ мазкур иншоот сувини сақлаш учун хизмат қилади.

Тарихчилар Бухоро- Қарши карвон йўлида бешта сардоба Қўш сардоба, Бузург, Бўзачи ва Қоровулбозор сардобалари мавжудлигини кўрсатишган.

Шулардан Бўзачи ва Қоровулбозор сардобалари ҳозиргача сақланиб келган. XVI аср тарихий ёдгорлиги ҳисобланган ушбу меъморчилик обидаси ўлкамиз ҳақида мозийдан дарак берувчи қимматли ёдгорликлардир.

Сардоба кўпинча сув кам буғланиши учун усти ғиштин гумбазсимон ёпилган, баъзиларининг сув ерга шимилиб кетмасин деб, остига ҳам ғишт ётқизилган бўлади. Айрим сардобаларда сув йил бўйи сақланади. Ҳовузли ер тўлалар ҳам сардоба дейилади. Сардоба гумбазига 3 томондан шамоллатиш дарчаси ва тепасига 1та мўри ишланган. Булар сувнинг бузилмай сақланишига имкон берган. Сардоба ичи салқин бўлганлигидан дарча эшикларидан кирган иссиқ ҳаводаги сув буғлари томчиларга айланиб, ҳовуз сувини кўшимча тўйинтириб турган.

Ҳозирги кунда Қоровулбозор ҳамда Бўзачи сардобалари (“Ўзбекистон” жамоа хўжалигининг 5-бригадаси чегарасида) сақланиб қолганлари 20-30 йилларда бузилиб, талон-тарож қилинган. Қоровулбозор сардобаси шаҳар марказига яқин. Сардобанинг 3 та дарвозаси бор. Ҳовузнинг диаметри 16 метр атрофида. Гумбазнинг баландлиги 6,4 метр. Айлана шаклдаги ҳовуз ва унинг устини ёпиб турувчи гумбаз шаклида қурилган бу сардобанинг дарвозаларидан ташқари, сув тушиши учун мўлжалланган махсус тешиклар ва тепасида айлана шаклдаги туйнук мавжуд. Шунингдек, сардоба ҳовузидан олиш учун мўлжаллаб қолдирилган махсус кириш жойи ҳам бор. Сардоба 27x 27, 28x5,6 сантиметр ҳажмидаги тўртбурчак шаклдаги пишиқ ғишт билан ганч тупроғи қоришмасидан қурилган.

Сардобалар саҳролар, даштлардан ўтадиган йўллар ёқаларида неча асрлардан буён халқимизнинг узок ўтмишдан, маданиятидан, турмушидан далолат берувчи тилсиз гувоҳлардир.

Қоровулбозор тумани ўрганиш шундай хулосага олиб келдики хох у туман кичик ёки катта, хох янги ташкил қилинган бўлсин, унда тадқиқ этиш зарур бўлган муаммолар етарли. Қоровулбозор туманининг келажаги порлоқ. Унумдор ерлар, суғориш иншоотларининг барпо қилинганлиги, йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга тушурилиши фикримизнинг ёрқин далили бўлади. Шу билан бирга туманда муаммолар анча.

Кўплаб суғориладиган ерларни ишлаб чиқаришдан чиқиб кетаётгани (шўрланиш, қамиш, қамоқ каби ўтлар босиши) ачинарлидир.

Профессор А.А.Рафиқовнинг қуйидаги жумлаларини келтиришни лозим топдим: «Геоэкологик муаммонинг катта кичиги бўлмайди, мабодо биз кичигига қараб ҳам бу фавқулотда ҳодисаларга олиб келмайди деб бепарво бўлиб, бошқа юмуш билан шуғулланиб юраверсак, ўша кичик муаммо маълум вақтдан сўнг шаклланиб вояга етади ва каттагина муаммога айланади.

Афсуски шундан хулоса қилиб қуйидаги таклифларни келтиришни жоиз топдик:

1. Қоровулбозор воҳасидаги янги ерларни ўзлаштиришдан кўра суғорма деҳқончилик ҳисобига киритилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
2. Аму Бухоро каналининг ўнг томонида Саритош ва Дўстлик каналининг насос станцияси орқали қир билан ариқ ўтказилиб дам олиш зонаси ташкил этиш.
3. Зовурлардан фойдаланиш иш коэффцентини яхшилаш керак.
4. Ердан фойдаланиш самарадорлигини такомиллаштириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Назаров И.К., Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси. Бухоро, 1994.- 67 б.
2. Солиев Б., Шодиев С. Саҳродаги мўъжиза.- Тошкент. Шарқ, 2000.- 208 б.
3. И.Э.Мирзоева. Қоровулбозор туманинг геоэкологик муаммолари. Тўплам «География XXI асрда: муаммолар, ривожланиш истиқболлари» Республика илмий- амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2017. 207-208 б.